


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 21 февраль, № 36 (5456) Сешанба


Эътироф

*Пойтахтимизда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференция юқори даражада ўтказилди. Унда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашди.*

16–17. 02. 2012, TOSHKENT

## «ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР АСОСИДА ЯРАТМОҚДА»

*Конференция қатнашчилари томонидан узлуксиз таълим ва ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда Ўзбекистон миллий модели ва тажрибаси ҳавас қилиш ҳамда ўрнак олишга арзигулик эканлиги эътироф этилди. Улар юртимизда ёшларнинг маънан, интеллектуал ҳамда жисмонан етук бўлиб вояга етишлари учун яратиб берилган шарт-шароит, инфратузилма ва мустаҳкам моддий-техник база, шунга яраша ўқувчи-талабаларнинг истеъдоди ҳамда салоҳиятига ҳам юксак баҳо бердилар.*

*Тадбир иштирокчилари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ҳам зиёрат қилдилар.*

*"Халқ сўзи" мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.*

**Нойлин ХЕЙЗЕР, БМТ бош котибининг ўринбосари:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг форумдаги нутқи менда унутилмас таассурот қолдирди. Давлатингиз раҳбарининг таълим тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларга доир теран фикрлари анжуманнинг барча қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Конференция доирасида қадимий ва донғи дунёга достон Самарқандга ташрифдан бошим осмонга етди. Бу шаҳарни кўриб, бамисоли эртаклар оламига келиб қолгандек бўлдим. Бу ердаги қадимий обидаларнинг меъморий ечими, бугунга қадар асл ҳолида сақланиб келинаётгани, киши ақлини шоширувчи гўзаллиги ва салобати ҳақиқий мўъжизадир. Мезбонлардан сўраб билдикки, биргина ўтган йилнинг ўзида инвестиция дастури бўйича вилоятда 6 та янги мактаб қурилиб, 3 та касб-ҳунар коллежи капитал реконструкция қилинибди. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилибди. Мазкур олий ўқув юртида талабаларнинг таълим олишлари учун яратилган замонавий шароитларга гувоҳ бўлиб, катта таассурот олдик. Бундай имкониятлар талабаларнинг келгусида ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишишларига хизмат қилиши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон – АҚШ:

## ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ 20 ЙИЛИ

*Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тараққиётига АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган кун — 1991 йил 25 декабрда асос солинган. Дипломатия муносабатлари эса 1992 йилнинг 19 февралида ўрнатилди.*

Биз ва жаҳон

Шундан буён икки давлат ўртасида деярли барча йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг изчил ўсиши билан изоҳланадиган сиёсий мулоқот давом этиб келмоқда.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилган кундан бошлаб салмоқли салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ҳамкорлик бўйича конструктив тажриба тўпланди ҳамда бу алоқалар сўнгги йилларда янада фаоллашди. Икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ҳарбий-техникавий ва гуманитар соҳаларда сифат жиҳатидан янги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилишида, кўп жиҳатдан, 2002 йил март ойида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларациянинг имзолангани муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунга келиб, 60 дан ортиқ ҳукуматлараро ва идоралараро битимлардан иборат мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий замин яратилган.

2010 йил апрель ва 2011 йил июнь ойларида давлат раҳбарлари ўртасидаги шахсий мактублар алмашинувлари, 2010 йил декабрда АҚШ Давлат котиби Х. Клинтоннинг Тошкентга ташрифи, шунингдек, республикамиз раҳбариятининг АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Д. Макдона, сенатор Л. Грехэм ҳамда Американинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили М. Гроссман билан учрашувлари сўнгги йиллар давомидаги муҳим воқеалардан бўлди.

2011 йил 28 сентябрда икки мамлакат Президентлари ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот Қўшма Штатлар ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга бўлган икки томонлама интилишни мустаҳкамлади.

АҚШ Давлат котиби Х. Клинтоннинг 2011 йил 22 октябрдаги Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама ҳамкорликда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ташриф чоғида АҚШ Давлат департаменти раҳбари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинди.

(Давоми 3-бетда).

## Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бухоро

*Вилоятда 2011 йилда 74 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Шундан 81 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларга тўғри келаётгани эътиборлидир.*

### Меҳнат ярмаркаси

Яқинда вилоят марказида ўтказилган меҳнат ярмаркасида ҳудуддаги 300 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар 2900 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Унда 457 нафар фуқарога ўзи маъқул деб топган жамоада ишлаши учун йўлланма берилди. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Навоий

*Конимех туманидаги "Конимех-Чордара" масъулияти чекланган жамиятида гўштни қайта ишлаш технологияси ишга туширилди.*

### Истиқболли лойиҳа

Ушбу лойиҳа банкнинг 500 миллион сўмлик кредити ҳисобидан молиялаштирилди. Пировардида 10 та иш ўрни яратилди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида ўтган йили вилоятда гўштни қайта ишлашга мўлжалланган 7 та ана шундай корхона фаолияти йўлга қўйилди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Фарғона

*Учкўприк туманидаги иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган "Ҳумо-3" корхонаси "Ўзмиллийбанк"нинг Фарғона вилояти бўлими тасаррufига ўтгач, фаолияти тўлиқ қайта тикланди.*

### Корхона фаолияти тикланди

Бунинг учун 3,1 миллиард сўмлик сармоя ҳисобига корхонада кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Эскирган технологиялар ўрнини илғор ускуна ва дастгоҳлар эгаллади. Ҳозир бу ерда 10 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Эътиборлиси, бундай молиявий соғломлаштириш ишлари вилоятдаги "Қува қандолатлари" қўшма корхонаси ҳамда "Риштон тўқимачи" масъулияти чекланган жамиятида ҳам муваффақиятли амалга оширилди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хоразм

*Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида ташкил этилган "Ёрду" хусусий корхонасида пластик профилдан деразa ва эшик ромлари, нон ва нон маҳсулотлари ҳамда макарон ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.*

### Бўзқалъа қандолатлари

Яқинда бу ерда қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Бунинг учун банкнинг 300 миллион сўмлик кредити ва корхона маблағи эвазига хориждан замонавий технологиялар келтирилди. Ўз навбатида, илғор ускуналарни бошқариш учун 15 нафар малакали ишчи-мутахассис ишга қабул қилинди. Уларнинг асосий қисми коллеж битирувчиларидир. Ҳозир корхонада ҳар ойда ўртача 50-60 миллион сўмлик, 10 турдаги қандолат маҳсулотлари тайёрланаяпти.

Умуман, ўтган йили туманда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 29 миллиард 787 миллион сўмликни ташкил этди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Сарҳисоб

*Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.*

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**ҚАШҚАДАРЁ** вилояти ҳокими Т. Жўраев бошқарган йиғилишда ўтган йили воҳа иқтисодиётининг барча соҳаларида ўсиш суръатлари кузатилганлиги, тармоқлар бўйича ютуқларга эришилгани эътироф этилди. Жумладан, 2011 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръати 106,3 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,2 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 120,6 фоизга, пудрат ишлари ҳажми 108,8 фоизга, чакана товар айланмаси 128,1 фоизга ўсди.

Саноатнинг 5 та тармоғи бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш прогнозининг ортиғи билан бажарилиши ҳисобига 12 миллиард сўм кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қурилиш, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа соҳаларда 355 та янги кичик саноат корхонаси ишга туширилди. 92 та саноат корхонасида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Ўтган даврда умумий қуввати 2500 тонна мева-сабзавотни қайта ишлашга мўлжалланган 7 та корхона ишга туширилди. Натижада мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ўтган йилдагига нисбатан 2,3 фоиз кўпайди. Шунингдек, 8 та сутни ва шунча гўштни қайта ишловчи корхона ташкил этилди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 1914,9 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бир қатор ижтимоий соҳа объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг сабаблари ҳам таҳлил этилди. Қишлоқ хўжалигида 13,7 минг тонна пахта ва 114,5 минг тонна ғалла кам етиштирилди. Натижада прогнозга нисбатан 43,8 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Чироқчи, Муборак, Касби, Нишон, Яккабоғ туманларидаги модернизация дастурига киритилган жами 12 та корхонада технологик янгилаш ишлари амалга ошмай қолди.

Фаоллар йиғилишида ҳисобот даврида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда 2012 йилда амалга ошириладиган дастурий вазифаларнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов иштирок этди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**ФАРҒОНА** вилояти фаолларининг йиғилишида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини изчил модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқирозга қарамай, бутун республикамизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам яхши натижалар бераётгани қайд этиб ўтилди.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ш. Ғаниев бошқарган анжуманда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми ўтган йилдагига нисбатан барқарор ўсганлиги айтиб ўтилди. Юртбошимизнинг "2011 — 2015 йилларда Фарғона вилояти саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "2011 йил — Фарғона вилояти саноати йили" дастури доирасида амалга оширилган ишлар бундай натижалар омили бўлди. Биргина мазкур ҳудудий дастур доирасида 50 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЮҚОРИ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

**корхоналаримизнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда**



***Саноат соҳасида технологияларнинг замонавийлиги ҳамда энергия тежамкорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис маҳаллий ишбилармонларимиз ишлаб чиқариш жараёнига ана шундай илғор қувватларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Пировардида улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлиги ортиб, харидорлар сафи тобора кенгайиб бораётир.***

Жараён

Амударё туманида иш бошлаган "ASIA SILK" шўъба корхонаси фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур корхонага ўрнатилган дастгоҳлар хориждан 290 минг АҚШ доллари эвазига келтирилган. Улар йилига 250 тонна пиллани қайта ишлаш ва ундан сифатли ипак толаси олиш қувватига эга. Эътиборлиси, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган бундай янги технологиялар маҳаллий ёшлар томонидан бошқарилмоқда.

— Ўтган йили 25 тоннадан зиёд, яъни 1 миллиард 29 миллион сўмликдан ортиқ ипак маҳсулоти ишлаб чиқардик, — дейди корхона бош директори Ёқубжон Тўраев. — Шундан 90 минг АҚШ долларига тенг қисмини экспортга жўнатдик. Қарийб 723 миллион сўмлик маҳсулот эса ички бозорда сотилди. Келгусида илғор технологиялар асосида ишлаб чиқариш суръати ва сифатини ошириш ҳамда бу орқали маҳаллий ёшлар учун иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## АСОСИЙ МАҚСАД – ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ

*Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори" мавзуида бизнес-форум ўтказилди.*

Бизнес-форум

Мустаҳкам оила йили муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда вилоят ҳокимлиги, тижорат банклари ҳамда соҳага дахлдор ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, шунингдек, бир қатор касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Таъкидландики, Қашқадарё вилоятида 2011 йилда ишбилармонликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бунда олис ва бориш қийин бўлган чекка ҳудудлар ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларга алоҳида эътибор қаратилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

## Коллеж битирувчилари учун иш жойлари

Бир рақам шарҳи

2011 йилда мамлакатимизда касб-ҳунар коллежларининг

**390** мингдан зиёд битирувчилари иш билан таъминланди.

***Бу, албатта, республикамизда бўлажак кадрларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилгани, аниқроғи, коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ҳамда келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилганининг ҳақиқий самарасидир.***

# «ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР АСОСИДА ЯРАТМОҚДА»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Беате ШИНДРЛЕР-КОВАТС, Германия академик алмашинув хизмати бошқарма бошлиғи:**

— Самарқанднинг қатор тарихий обидаларини мириқиб томоша қилдим. Гўри Амир мақбарасини зиёрат этиш баробарида, ўзбек давлатчилиги тарихи ҳамда Соҳибқироннинг зафарли юришлари, унинг дунё цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида батафсил маълумотлар олдик. Шунингдек, Шарқ меъморчилиги ва маданиятининг барҳаёт ёдгорлиги — Регистонга сафаримиз ҳам бир умрлик ёрқин хотира бўлиб қолиши шубҳасиз. Бу ерга ташриф юртингиз тарихи ва бугунига оид тасаввурларимизни янада бойитди. Мажмуанинг ички қисмида жойлашган ҳунарманд усталарнинг нафис санъати, қўл меҳнати билан яратилган бетакрор миллий ҳунармандчилик намуналарини кўздан кечирар эканман, халқ амалий санъатининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлигига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Улуғбек расадхонасини ҳайрат ила томоша қилдим. Бу ерда амалга оширилган катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларидан завқландим. Бундай тарихий қимматга эга бўлган ёдгорликларни асраб-авайлаш, обод этиш, келажак авлодга етказиш эса давлат сиёсати даражасида эканлиги бизни янада мамнун этди.

**Марио ФИЛИПП, Комос университети вице-президенти, (Португалия):**

— Мени қадим Бухородаги ҳар бир манзара жуда ҳаяжонлантирди. Айниқса, "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументининг ўзига хос тарзда бунёд этилганлиги эътиборимизни тортди. Шунингдек, бу ердаги таълим муассасаларининг муҳташамлиги, марказий жойлардан қолишмайдиган шарт-шароит юртингизда таълим тизимига берилаётган эътибор самарасидир. Халқаро анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқи мамлакатингиз таълим тизимида эришилган муваффақиятлар, пухта ишлаб чиқилган таълим моделига оид фойдали маслаҳатларни қамраб олгани билан форумнинг барча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва муваффақиятли татбиқ этилаётган ушбу таълим модели барча мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

**Абду-Рида АССИРИ, Кувайт университетининг ижтимоий фанлар факультети декани, сиёсий фанлар доктори:**

— Ўз тарихини қадрлаган, уни асраб-авайлаб келаётган халқнинг эзгу орзу-ниятлари ушалиши муқаррар. Бухородаги қадимий ёдгорликлар, аждодларингиз бой мероси кўз қорачиғидек асралаётгани таҳсинга сазовор. Бу ҳам мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг изчил амалга оширилаётгани самарасидир. Негаки, таълим кенг маънода янги шахсни дунёга келтириш деганидир. Ҳозир Ўзбекистон тўғри йўлни танлаган ҳолда ўз келажагини яратмоқда. Мен юртимга қайтганимда Ўзбекистон, унинг илм-фан, маърифат ўчоғига айланган шаҳарлари ҳақида ватандошларимга сўзлаб бераман, албатта. Зеро, биз Ўзбекистонга таълим соҳасидаги бой тажрибани ўрганиш, тажриба алмашиш учун келганмиз. Кўрганларимиз кутганимиздан ҳам зиёд бўлиб чиқди.

**Саид ИРАНДУСТ, Осиё технология институти президенти, профессор (Таиланд):**

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Тошкент жозибаси, одамлар юз-кўзидаги самимиятга гувоҳ бўлиб, қалбимга олам-олам қувонч инди. Юртингиз дунёда ўз ўрни, нуфузига эга мамлакат. Ёшлар камоли йўлида барча шарт-шароит муҳайё қилинмоқда. Кўплаб корхоналар, хусусий фирмалар ишга туширилмоқда. Автомобиллар, темир йўллар, хиёбонлар, дам олиш масканлари, шифохона, мактаб, коллеж ва лицейлар қурилмоқда. Буларнинг барчаси юртингизда инсон қадри ва унинг манфаатлари улуғланаётганлигидан дарак беради.

Мен мазкур конференция баҳонасида анчадан буён ушалмай келаётган орзуим — "Шарқ гавҳари" дея эътироф этиладиган Тошкентни кўришга муяссар бўлдим. Шаҳар жуда гўзал. Айниқса, менга мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси, унга рўбарў эгизак бинолар — Тасвирий санъат галереяси ҳамда Ёшлар ижод саройи бинолари маъқул келди. "Ўзбекистон" анжуманлар саройи, конференциянинг очилиш маросими бўлиб ўтган Маърифат маркази минтақада ягонадир. Бу бино асрлар давомида бунёдкор ўзбек халқининг азму шижоатини, буюк орзуларини кўрсатиб туради.

**Ричард ХАРВИ, "Ист Англия" университети Лондон бўлими декани (Буюк Британия):**

— Касбим тақозосига кўра, кўп мамлакатларда бўлганман, манаман, деган шаҳарларни томоша қилганман. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ва мафтункор. Аммо Тошкентнинг жозибаси, юртингиз одамларининг бири-бирига муносабати бошқача экан. Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференция жаҳон ҳамжамияти учун муҳим мавзу — ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук этиб тарбиялашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Мазкур тадбирнинг Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилгани давлатингиз раҳбари томонидан мамлакатда ёшлар тақдирига улкан эътибор қаратилаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Қолаверса, бундай йирик тадбирларни ўтказиш ўз-ўзидан бўлмайди. Қаердаки, тинчлик-осойишталик ҳукмрон, одамлар эса ҳаётидан мамнун ва рози бўлса, ўша ерда ривожланишга, ҳар томонлама тараққиётга эришилади. Шу маънода, Ўзбекистондаги осуда ҳаётга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Бинобарин, мустақилликка эришилгач, бошқа соҳалар қатори, таълимда беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Мен Тошкентдаги Вестминстер университетида бўлдим. Ишонасизми, у ерда ўзимни худди ўз юртимда юргандек ҳис этдим. Талаба ва Мураббийлар билан ўз тилимда мулоқотда бўлдим, савол-жавоблар қилдик. Умуман, мамлакатингизда қатор хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари филиаллари фаолияти йўлга қўйилганлиги бу борадаги ютуқларнинг муҳим омилидир.

**Катерина ШТЕПАНКОВА, Иқтисодиёт ва менежмент олий мактабининг иқтисодий тадқиқотлар маркази директори (Чехия):**

— Ўзбекистон — бетакрор диёр. Бу мамлакатнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос гўзал ва мафтункор. Шунинг учун ҳам халқаро конференция кунларини интиқлик билан кутдим. Тошкент бутунлай ўзгариб кетибди, чиройига чирой қўшилибди. Янги ва муҳташам бинолар қад ростлабди. Айниқса, таълим муассасаларининг ярқираб туриши, улуғворлиги ҳар қандай кишининг диққат-эътиборини ўзига тортади. Куни кеча Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда 1-республика тиббиёт коллежига борганимда, у ердаги шарт-шароит, энг илғор ва замонавий технологияларнинг барчаси муҳайё этилганлигига амин бўлдим. Айниқса, ўқувчи-ёшларнинг, талабаларнинг хориждаги мутахассислар билан таржимонсиз бемалол гаплашганларидан хурсанд бўлиб кетдим. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ ёшларнинг истиқболи ёруғ эканлигидан далолат беради.

Бухоро шаҳрига саёҳат уюштирганимизда ҳам у ерда яратилган шароитлар пойтахтингизникидан асло кам эмаслигига гувоҳ бўлдик. Демак, юртингизда таълим тараққиёти барча ҳудудларда изчил давом эттирилмоқда, деб айтишга барча асослар етарли. Шаҳару қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантиришда ижтимоий иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда, албатта. Айни пайтда дунёнинг кўплаб давлатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда бундай тажриба ниҳоятда ноёбдир ва ундан ўрнак олса арзийди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Истам ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.**

Анжуман

*Гулистон давлат университетида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга кенг очиб бериш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

# ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Вилоят ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Миллий университети профессори, тарих фанлари доктори Б. Эшов, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кафедра мудири Б. Алиев ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг мазкур китобида мустақиллигимизнинг қўлга киритилиш тарихи билан боғлиқ муҳим воқеалар ҳамда маълумотлар жамлангани, мустақиллик ўз-ўзидан, осонлик билан қўлга киритилмагани, юртимизнинг истиқлолга эришишида Президентимиз Ислом Каримов кўрсатган жасорат ва матонат ҳал қилувчи аҳамият касб этгани асосли далиллар, ҳаётий мисоллар воситасида очиб берилганига эътибор қаратди.

— Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг нашр этилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — дейди Гулистон давлат университети проректори Р. Маҳмудов. — Миллий истиқлолимиз тарихини ўрганиш борасида қимматли манба бўлган мазкур китоб жамоатчилик, айниқса, ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий тафаккурини юксалтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Тадбир қатнашчилари китобда баён этилган ғоя ва қарашларни Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, қонунчилик ташаббуслари ҳамда белгилаб берилган устувор вазифалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлигини таъкидладилар.

**Д. ЭСОНОВА, ЎзА мухбири.**

# АСОСИЙ МАҚСАД – ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йилда вилоят тижорат банклари томонидан соҳа вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 216,9 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилиб, пировардида 29 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Бизнес-форум иштирокчилари Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида берилган имтиёзлар ва қулай ишбилармонлик муҳити натижасида эришилган натижалар, ушбу соҳанинг ривожланиши, энг аввало, шу заминда истиқомат қилаётган ҳар бир оиланинг турмуш тарзи юксалиб боришида муҳим ўрин тутаётганлигини алоҳида эътироф этдилар.

— Бизнес-форумни ўтказишдан мақсад тадбиркорликнинг аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ҳамда мустаҳкам оилани шакллантиришдаги аҳамиятини ва ушбу йилда бу борада кўрилаётган чора-тадбирларни кенг жамоатчиликка етказишдан иборатдир, — дейди Марказий банк Қашқадарё вилояти бошқармасининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Бекзод Мўминов. — Мустаҳкам оила йилида оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, бу йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 226,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Мазкур жараёнда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришни устувор вазифалар сифатида белгилаб олганмиз.

Тадбирда ўтган йили ўз фаолияти давомида алоҳида ўрнак кўрсатган 40 нафар ишбилармонга махсус совғалар, тадбиркорлик субъектлари томонидан тижорат банкларига 6 та номинация бўйича тақдим этилган лойиҳалар орасидан ғолиб деб топилган 89 та лойиҳа эгасига эса 5,8 миллиард сўмликдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича сертификатлар топширилди.

Форум якунида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш ҳамда оилалар фаровонлигини таъминлаш борасида маҳаллий ҳокимият органлари, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга ҳам эътибор кучайтирилди. Бу борада 18 та лойиҳа ўзлаштирилиб, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида фаолият кўрсатаётган 44 та корхона томонидан 188 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Фаоллар йиғилишида эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, ўтган йил якунлари танқидий муҳокама қилинди, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Кичик бизнеснинг ялпи ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси кам бўлиб қолаётгани, вилоятдаги 10 та йирик корхона ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиб кетгани афсусланарлидир. Қувасой шаҳри, Риштон, Тошлоқ туманларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилмади.

Вилоятда илғор ва тежамкор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар кўпайиб, улар ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаяпти.

Шунингдек, фаоллар йиғилишида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, қишлоқ хўжалик тармоғида олиб борилаётган ишлар, дебиторлик, кредиторлик қарздорликларини бартараф этиш сингари долзарб масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Фаоллар йиғилиши, шунингдек, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.*

Семинар

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан чорвачилик генофондини асраш, кўпайтириш ҳамда наслчилик ишларига оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга бағишланган семинар ташкил этилди. Ўзбекистон чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, мутахассислар иштирок этди.*

# ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Унда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида юртимизда мазкур соҳа равнақи учун қулай шарт-шароит яратиб берилди. Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди, аниқ йўналтирилган дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Натижада тармоқни ривожлантириш, ем-ҳашак, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини тўғри ташкил қилиш, зоотехник ва ветеринария хизматларини модернизация қилишга эътибор кучайтирилди.

Булар, ўз навбатида, эл фаровонлиги, бозорларимиз ободлигини таъминлаш, фермер хўжаликлари инфратузилмасини янгилаш, айни чоғда жаҳон бозорида ғоят харидоргир бўлган чорвачилик маҳсулотлари — пилла, жун, қоракўл тери ва ундан тайёрланадиган буюмлар етиштириш, наслчиликни ривожлантиришда алоҳида роль ўйнади. Чунончи, бугунги кунда республикамизда қорамоллар сони 9 миллион 642 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Шубҳасиз, чорва моллар маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш, энг муҳими, аҳолига табиий иқлим шароитига мос бўлган, фойдали генетик белгиларга эга наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, кўпайтириш, самарали селекция тадбирларини рўёбга чиқариш катта ўрин тутади. Семинарда мамлакатимизда тизимнинг барча йўналишларида "Насл-хизмат" уюшмаси, "Ўзнаслчилик" корхонаси ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари, "Чорва-насл-хизмат" масъулияти чекланган жамияти каби 460 та наслчилик корхонаси фаолият юритиб келаётгани айтиб ўтилди.

Тадбирда чорвачиликнинг қўйчилик, йилқичилик, эчкичилик, туячилик, паррандачилик, ипакчилик каби тармоқларида ҳам муайян ишлар олиб борилаётганига тўхталиб ўтилди. Вилоятларда 30 та қоракўлчилик наслчилик хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилгани ҳам бунга бир мисолдир.

Семинарда бу борадаги чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, ихтисослаштирилган хўжаликларга имтиёзлар бериш орқали уларнинг иқтисодий барқарорлигини юксалтириш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш, тадқиқотларни молиялаш ва мавжуд инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари аъзолари ҳам бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Чорвачилик ва унинг тармоқлари равнақи учун иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шароит ҳамда кафолатларни яратиш тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашнинг муҳим қисмидир, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Ф. Комилов. — Негаки, шу асосда соҳа ҳар томонлама рағбатлантирилади. Жумладан, чорвачиликка ихтисослаштирилган туманларда сут, гўшт, жун ва тери хом ашёсини қайта ишловчи замонавий кичик корхоналар очиш, аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти кенгаяди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси А. Акрамовнинг фикрича, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим талабларидан ҳисобланади.

— Чорвачиликка оид қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши тармоқни изчил янгилашда муҳим аҳамият касб этади, — деди у. — Айниқса, бу жараёнда чорвачилик корхоналари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланади, етакчи олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари базасида мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ушбу йўналиш бўйича касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларни иш билан таъминлашда янада кўпроқ натижаларга эришилади. Айни пайтда аграр йўналишдаги кўргазмаларда чорвачилик павильонларини мунтазам ташкил этиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

— Қадим-қадимдан халқимиз чорвани оила баракаси деб ҳисоблаб келган, — деди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Ш. Болтаев. — Бинобарин, тегишли ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш аҳоли фаровонлигини юксалтириш асоси бўлиб хизмат қилади. Бунда соҳага хориж инвестицияларини жалб этиш, табиий ва моддий ресурслардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш долзарбдир. Табиийки, булар қишлоқ хўжалигида юқори даражада сервис хизматини кўрсатиш ва чорвачилик тармоқлари ривожини жадаллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Ж. Қўлдашев эса соҳа, хусусан, наслчилик ишлари билан шуғулланувчи субъектлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари орасида кооперацион муносабатларни ривожлантириш бўйича таклифларини айтди.

— Чорвачилик генофондини асраш, кўпайтириш ва наслчилик ишларига оид ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш жамият манфаатларига ҳар томонлама уйғундир, — деди у. — Зеро, бунинг натижасида янада сифатли маҳсулотлар етиштирилади, қишлоқ жойларида бандлик масаласи ҳал этилади.

— Бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришда биологик хилма-хилликни сақлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор,— деди Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи аъзоси Ў. Отакулов. — Қолаверса, маҳаллий чорвачилик зотларидан унумли фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган тизимини янгилаш давр талабидир.

Тадбир давомида, шунингдек, иштирокчилар Сирдарё вилоятидаги наслчилик хўжаликлари билан яқиндан танишдилар.

Семинарда муҳокама қилинган мавзу юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# Ўзбекистон — АҚШ: ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ 20 ЙИЛИ

2011 йил февралда Вашингтонда ҳар йили ўтказиладиган икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтгани, Ўзбекистон ва АҚШ ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари даражасидаги учрашув, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик доирасидаги қатор тадбирлар ўзаро алоқаларнинг мунтазам равишда кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, Вашингтон Тошкент билан халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар борасида конструктив мулоқот давом эттирилишини муҳим, деб ҳисоблайди.

Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг май ва июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вакилларининг АҚШга ташрифи доирасида Конгрессда бўлиб ўтган учрашувларда икки мамлакат манфаатларига алоқадор масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар Ўзбекистон — Америка муносабатларида устувор йўналиш бўлган савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни фаол равишда ривожлантириб келмоқдалар.

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва АҚШ Ҳукумати ўртасидаги сармояларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Битим ҳамда 1993 йили томонларнинг савдода бир-бирига энг қулай режим қўллашини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида савдо муносабатлари тўғрисида Битимнинг имзоланиши орқали яратилган.

2011 йил якунларига кўра, икки томонлама савдо айланмасининг 36,2 фоизга ўсиши кузатилгани ҳолда, унинг ҳажми 249,9 миллион АҚШ долларига (2010 йилда 181,7 миллион АҚШ доллари) етди. Экспорт 40,7 фоизга ортиб, 72,3 миллион АҚШ долларини, импорт эса 34,4 фоизга ўсгани ҳолда, 177,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. АҚШ статистика идораларининг маълумотларига қараганда, мустақиллик йилларида Американинг Ўзбекистонга тўғридан-тўғри сармоялари умумий ҳажми қарийб 500 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳозирги пайтда республикада америкалик сармоядорлар иштирокида барпо этилган 241 корхона рўйхатга олинган бўлиб, улардан 61 таси юз фоиз АҚШ капитали асосида фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналар фаолияти саноатнинг автомобилсозлик, нефть кимёси, енгил, озиқ-овқат, машинасозлик тармоқлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар, жумладан, сайёҳлик хизмати кўрсатиш сингари соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида 64 та АҚШ компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтган.

Америка бизнесининг йирик вакиллари билан ҳамкорликнинг ижобий намуналаридан бири сифатида Асака шаҳридаги автомобиль заводи акциялари пакетининг 25 фоизига эгалик қилаётган “Дженерал Моторс” корпорациясини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳозирги пайтда мазкур корхона автомобилларнинг 7 моделини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Шу билан бирга, 2011 йил октябрда енгил автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган “ДжиЭм Пауэртрейн — Ўзбекистон” заводи ишга туширилди.

“Боинг” компанияси Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси учун замонавий авиалайнерларни етказиб берувчи доимий ҳамда муҳим ҳамкор ҳисобланади. 2016 йилгача мамлакатимизнинг “Боинг”лар паркидаги авиалайнерлар 15 тага етади. Шунингдек, “Хонивелл” корпорацияси билан нефть-газ ва энергетика тармоқлари, кимё саноати ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш соҳаларида қатор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Давлат котиби Х. Клинтоннинг Ўзбекистонга 2010 йил декабрдаги ташрифи чоғида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди. 2011 йили АҚШ Давлат котибининг океанлар, атроф-муҳит ва илм-фан масалалари бўйича ёрдамчиси К. Жонс ҳамда Американинг илм-фан масалалари бўйича вакили А. Гаст мазкур битим доирасида амалга ошириладиган аниқ-равшан лойиҳаларни муҳокама қилиш учун Ўзбекистонга келдилар.

Шунингдек, АҚШ томонидан республикамизга гуманитар ёрдам ҳам кўрсатилмоқдаки, улар 2010 йили 12 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда дори-дармон ва тиббий жиҳозлар ажратган “AmeriCares”, 1,5 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги юкларни етказиб берган “Resource and Policy Exchange” ҳамда “FOW-USA” сингари Американинг халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан тақдим этилмоқда.

2010 йилдан буён Ўзбекистонда ЮСАИДнинг “Сифатли соғлиқни сақлаш” (13 миллион АҚШ доллари), “Маҳаллий тараққиёт ташаббуси” (1,6 миллион АҚШ доллари) каби дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. 2011 йил охирида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича янги, тўрт йилга мўлжалланган “АгЛинксПлюс” лойиҳаси (12 миллион АҚШ доллари) иш бошлади.

Умуман олганда, 2010 йили республикага 30 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги Америка техникавий ва гуманитар кўмаги ажратилган бўлса, уларнинг 9,2 миллиони ЮСАИД лойиҳалари асосида тақдим этилди. 2011 йилнинг 9 ойида гуманитар йўналиш бўйича Америка ёрдамининг ҳажми 21 миллион АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар томонларнинг Ўзбекистонда ва Америкада турли хил концерт тадбирлари ташкил этилиши орқали амалга оширилмоқда. Ҳар йили Тошкентда Америка киноси кунлари ўтказилади. 2011 йилда Смистон институтининг музейлар иши бўйича мутахассислари ҳамда “Нэйшнл Джеографик” телеканалининг мутахассиси икки маротаба Ўзбекистонда бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий тадқиқот институтлари ва бошқа муассасалар ходимлари тажриба алмашиш ҳамда қўшма тадқиқотлар ўтказиш учун Америкага сафарлар уюштиришади.

Ўзбекистон Республикасининг АҚШ билан 20 йиллик ҳамкорлиги натижалари ҳақида сўз борар экан, икки томонлама муносабатларни бундан-да ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун ҳар икки давлатда улкан салоҳият ва интилиш мавжуд эканлигини яна бир бор қайд этиб ўтиш лозим.

**«Жаҳон» АА.**

## Сурхондарё томонларда

*Сариосиё туманидаги “Шарғун қурилиш инвест” корхонасида йўлак қопламалари ишлаб чиқариш қувватига эга технологик линия ишга туширилди.*

### Йўлаклар учун қопламалар

Мазкур лойиҳа банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобидан молиялаштирилди. Ҳозир бу ерда доимий иш ўрнига эга бўлган қишлоқ ёшлари томонидан ойига қарийб 400 квадрат метр ҳажмда маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Ўтган йили туманда қурилиш материаллари ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 4 та шундай корхона ташкил этилди.

*Узун туманида ўтган йили ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 4 та лойиҳа амалга оширилиб, 80 нафардан зиёд киши доимий даромад манбаига эга бўлди.*

### Моҳир чеварлар

Хусусан, “Ғанижон Аъзамов” хусусий корхонаси қошида йилига 24 минг дона болалар кийим-кечаклари тикиш қувватига эга замонавий тикувчилик цехи фаолият бошлади. Ушбу лойиҳа рўёби учун 100 миллион сўм сарфланди.

Замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган корхона цехларида 15 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар тайёрлаётган сифатли ва бежирим либослар ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилаяпти.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Тасодифий кашфиёт

***АҚШдаги мактаблардан бирининг бешинчи синф ўқувчиси Клэр Лэйзен ўзи билмаган ҳолда кашфиёт яратди.***

У кимё фанидан масала ечаётганида, азот, кислород ва углерод молекулаларини бирлаштириб, ҳали фанга маълум бўлмаган янги моддани ихтиро қилган.

Аввалига ўқитувчи бунинг нималигини аниқлай олмасдан роса бош қотирди. Бундан наф чиқмагач, фанга оид манбаларни ҳам титкилаб чиқди. Аммо у қизалоқ яратган модда ҳақида бирорта маълумотга дуч келмади. Шундан сўнг ўқитувчи Лэйзеннинг кашфиётини “Computational and Theoretical Chemistry” журналига мақола шаклида ёзиб жўнатди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бешинчи синф ўқувчисининг ушбу иши мутахассисларни ҳам ҳайратга солган.

### Қинғир ишнинг қийиғи

***Япония ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан замонавий фотоаппаратлар ишлаб чиқарувчи “Olympus” корпорациясининг уч нафар собиқ менежери ҳибсга олинди.***

Улар орасида корхонада маълум муддат раҳбарлик лавозимида ишлаган Цуеси Кикукаву ҳам бор. Манбага қараганда, ходимлар 1,3 миллиард евро миқдоридаги маблағни ўзлаштирганликда айбланмоқда. Бу исботланса, менежерларга 10 йилдан қамоқ жазоси тайинланиши мумкин.

### Маблағ тақчиллиги

***Австралиянинг “Air Australia” авиакомпанияси куни кеча режадаги барча парвозларни бекор қилди.***

Бунга муассасанинг ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига маблағ топа олмагани сабаб бўлган. Шу боис унинг масъул ходими Марк Корд йўловчиларга мурожаат қилиб, манзилга етиб олишнинг бошқа чорасини кўришларини билдирган.

— Ҳозир маъмурият компанияни инқироздан олиб чиқиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда, — дейди у. — Бу ижобий якун топса яна мижозларга хизмат кўрсатишни бошлаймиз.

Хабарга кўра, парвозлар бекор қилинишидан бир кун олдин ушбу авиакомпания сотган чипталар сони 100 мингтани ташкил этган.

### Бренд харид қилинди

***АҚШнинг “Kellogg`s” корхонаси “Procter & Gamble” компаниясининг чипс (қовурилган картошка) тайёрлаш бизнесини сотиб олди.***

Қиймати 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган мазкур келишувга кўра, бундан буёғига “Pringles” номида савдога чиқариладиган қовурилган картошкалар “Kellogg`s” томонидан харидорларга тақдим этилади.

Ҳар йили ярим миллиард АҚШ доллари қийматига тенг бўлган “Pringles” чипслари тайёрланади ва улар дунёнинг 140 мамлакатида севиб истеъмол қилинади.

### Энг баланд бино лойиҳаси

***2015 йилда Озарбайжонда дунёдаги энг баланд бино қурилишини бошлаш режалаштирилмоқда.***

“Azerbaijan Tower” дея номланган мазкур осмонўпар иморатнинг бўйи 1050 метрга тенг бўлади ва у “Avesta Group of Companies” компанияси томонидан барпо этилади. Бу ҳозир ер юзидаги энг баланд бино — Бурж Халифа (Бирлашган Араб Амирликлари)дан 220 метр юқоридир. У тўққиз балл кучланишдаги зилзилага бардош бера олади.

Эътиборли жиҳати, “Azerbaijan Tower”ни барпо этиш учун ажратилган жойда сунъий орол ҳам вужудга келтирилади. Унда шаҳарсозликнинг барча замонавий ютуқларини акс эттириш, “Формула-1” пойгалари ўтказиладиган трасса ва аэропорт қуриш ҳам режалаштирилган.

Қиймати юз миллиард АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳани 2022 йилда якунлаш кўзда тутилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

• Реклама ва эълонлар •

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.
03R/97

ООО «SHANXAY PLAST GROUP»
ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
SPG PIPILENE
Производит
полиэтиленовые трубы
Ø от 16 до 800 мм
для водоснабжения, канализации и газа,
соединительные детали:
тройники, переходники, отводы, адаптеры.
НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.
Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.
Гарантия качества! Звоните!
г. Ташкент, ул. Шайхантохурская, 36, бизнес-центр «Лабзак», 3-й этаж.
Тел./факс (8-371) 244-83-00,
моб.: (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 734-46-70
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru
143R/40

Фойдали алоқаларингизни имкон қадар кенгайтиринг!
2012 йил, 28 февраль — 2 март
Ўтказиш жойи: «Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

ufi Approved Event
UzBuild
13-Ўзбекистон Халқаро
ҚУРИЛИШ КЎРГАЗМАСИ

aqua-therm TASHKENT INTERNATIONAL developed by Reed Exhibitions Messe Wien
1-Халқаро
ИСИТИШ, ҲАВО АЛМАШТИРИШ, СОВИТИШ, СУВ ТАЪМИНОТИ, САНТЕХНИКА ВА ҲОВУЗЛАР КЎРГАЗМАСИ

mebel expo UZBEKISTAN
9-Ўзбекистон Халқаро
МЕБЕЛЬ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

• UzBuild
• Aqua-Therm Tashkent
• MebelExpo Uzbekistan
– бу – тўрт кун,
икки павильон,
150 та компания,
24 иштирокчи мамлакат,
минглаб тармоқ мутахассислари ва салоҳиятли ҳамкорлар.

Кўргазмаларнинг расмий очилиш маросими
28 февраль 2012 • соат 11:00 да.

Кўргазмаларнинг ишлаш вақти:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 28 февраль | 11:30 - 18:00 | 1 март | 10:00 - 18:00 |
| 29 февраль | 10:00 - 18:00 | 2 март | 10:00 - 16:00 |

Қатнашиш масалалари юзасидан ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг: 113-01-80.
Ташриф буюрувчилар кўргазмалар сайтларида On-line режимида рўйхатдан ўтишлари мумкин:
www.uzbuild.uz
www.aquatherm-tashkent.uz
www.mebelexpo.uzbuild.uz
153R/115

ITE UZBEKISTAN
ITE Uzbekistan
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А».
Тел.: (+998 71) 113 01 80, Факс: (+998 71) 237 22 72, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member
Guvohnoma № 3583

HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.



TUCSON
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
DONGNAM UZ MOTORS
Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru
UEFA EURO2012 POLAND-UKRAINE
233R/101

# БЕСАРҲАД ИФОДА МАЙДОНИ

*Она тили ҳар бир халқ, ҳар бир миллат учун бениҳоя буюк қадрият, бебаҳо бойликдир. Она тилининг жамият ҳаётидаги беқиёс аҳамиятини Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида аниқ тавсифлаган: "Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир".*

## 21 февраль — Халқаро она тили куни

Дарҳақиқат, ҳар бир тил соҳиби айни тилига кўра, дунёни бошқа тил вакилидан бир қадар фарқли тарзда кўради ва идрок этади. Ҳар бир тилда халқнинг руҳи ва миллий менталитети ўз аксини топади. Бир тилдаги сўз ва иборалар ифодалаган тушунчаларни бошқа дунёқараш ва менталитет билан шаклланган халқ тилида тўғридан-тўғри ифодалаш ҳамиша ҳам мумкин бўлавермайди. Президентимизнинг қуйидаги ҳаққоний фикрларида катта ҳақиқат мужассам:

*"...Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо. Шуни айтиш лозимки, бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир".*

Ўзбек тили, бизнинг она тилимиз турли тилларнинг тазйиқларидан, турли тузумлар зуғумидан ранж чеккан бўлса-да, тароватини йўқотмай, миллий мантиғини меҳваридан чиқармай келаётганини бугун барча яхши билади.

Юртимизда "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, айниқса, мустақиллигимиз билан шаклланган холис ва одил тил сиёсати туфайли ўзбек тили рост ривожга кирди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши бу юртда яшайдиган 130 дан ортиқ миллат ва элатлар вакилларининг она тилини қўллашдан иборат ҳуқуқларини чекламайди. Конституциямизнинг 4-моддасида барча тилларга ҳурмат кўрсатилиши аниқ ёзиб қўйилган: "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади". Мамлакатимизда ҳар йили 21 октябрь — "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган тарихий сана байрам сифатида нишонланади, ўзбек тили билан бир қаторда бошқа тилларга ҳурмат кўрсатилади. Кўриниб турганидек, мамлакатимизда фақат ўзбек тилининг эмас, балки барча она тилларнинг шахс камолотидаги қиёссиз аҳамияти Президентимиз раҳнамолигида эътироф этилганига 22 йилдан ошди.

Аҳли олам она тилининг инсонлар ҳаётидаги, турли миллатлар ва маданиятларнинг бири-бирига яқинлашувидаги улкан ўрнини англаб, буни расман эътироф этиб, халқаро миқёсда нишонлаш заруриятига эътибор қаратганига энди 12 йил бўлди, яъни 12 йил бурун 21 — февраль Халқаро она тили куни деб эълон қилинди...

2003 йилнинг 21 февралида Халқаро она тили куни муносабати билан ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Коичиро Мацууро шундай деган эди: "Она тилига нима учун бу қадар эътибор берилмоқда? Шунинг учунки, тиллар инсоният ижодининг бутун ранг-барангликдаги бетакрор ифодасидир. Алоқа, идрок ва тафаккур қуроли сифатида тил, шунингдек, биз дунёни қандай кўришимизни тавсифлайди, ўтмиш, бугун ва келажак ўртасидаги алоқани акс эттиради..."

Ер юзидаги мавжуд тилларни ҳимоя қилиш ва таназзулдан сақлаб қолиш Халқаро она тили кунини таъсис қилишнинг асосий сабабларидан биридир. Маълумотларга кўра, бугун сайёрамизда 6909 та тил бор. ЮНЕСКО Ер юзидаги мавжуд ана шу тилларнинг ярми яқин келажакда йўқолиб кетиши мумкинлигини қайд этади. Тилларнинг тириклиги эса неча минг йилликлар мобайнида тўпланган моддий ва маданий-маънавий мероснинг барҳаётлиги кафолатидир. Тилларсиз бу улкан мероснинг сақланиши ва ривожланишини тасаввур этиш мумкин эмас. Буни бугун башарият чуқур англаб етди... Маънавий-ахлоқий ва моддий-маданий қадриятлардан иборат бебаҳо мероснинг мазкур тиллар билан биргаликда йўқолиб кетишидек фожиа бугун башариятни ҳаққоний равишда ташвишга солмоқда. Табиийки, бу халқларнинг ўз илдизидан, этномаданий заминидан узилиб қолишига, миллат сифатида маънавий муаллақлашувига, миллий ва байналминал идроки мўртлашувига олиб келиши мумкин. Халқаро она тили куни ана шу таназзулни олам аҳлига англатиш ва унинг олдини олишга барчани сафарбар этишга хизмат қиладиган тадбирдир.

Кўп миллатли Ўзбекистонда Юртбошимиз ташаббуси билан миллий-маданий меросга, миллий-маънавий қадриятларга, хусусан, фақат давлат тилигагина эмас, балки барча халқларнинг тилларига, уларни асраб-авайлашга ҳам эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, 130 дан ортиқ миллий-маданий марказлар тили, миллий маданиятлар ривожи йўлида фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги айнан шундай оқилона сиёсат туфайли миллатлараро тотувлик, биродарлик ва дўстлик бардавом бўлиши, шубҳасиздир.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, филология фанлари доктори, профессор.**

## Огоҳлик

*"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг ҳаво йўллари бош агентлигида бўлиб ўтган йиғилишда агентлик ва "Тошкент" аэропортининг сотишлар бўлими авиакассирларига уларнинг фаолиятидаги тегишли қонунбузарликлар ҳақида ахборот берилди ҳамда ҳушёр бўлишга чақирилди.*

# АВИАКАССИРЛАР ҲУШЁРЛИККА ЧАҚИРИЛДИ

Авиаташишлар тизимида авиакассирлик энг масъулиятли касблардан биридир. Ҳаво қатновлари жадвалига аниқ риоя қилиниши ва йўловчиларнинг самолётдан ўз вақтида жой эгаллаши уларнинг ишлари қай даражада яхши йўлга қўйилганига боғлиқ.

Афсуски, авиакассирлар лавозим йўриқномасига ҳар доим ҳам риоя қилавермайди ва бу кўпинча турли ҳуқуқбузарликлар ҳамда мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларига олиб келади. Албатта, бу ўринда инсон омилини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди, лекин амалиёт шуни кўрсатадики, бунинг орқасида кўпинча ғаразли мақсадлар яширинган бўлади. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг ҳаво йўллари бош агентлигида ўтган йиғилишда айнан шулар ҳақида сўз юритилди.

"Тошкент" аэропорти транспорт милициясининг тергов бўлими бошлиғи У. Абдураҳмоновнинг айтишича, авиакассирлар кўпинча чипталарни расмийлаштиришда хатога йўл қўяди. Бу хатолар, биринчи навбатда, касса ходимлари йўловчилар паспортларини батафсил ўрганмаслиги сабабли юзага келади. Негаки, айрим ҳолларда шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг муддати ўтган ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида расмийлаштириладиган хорижга чиқиш учун рухсат берилмаган бўлади.

Масалан, 2010 йилда авиакассирларнинг лоқайдлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223 ва 25-моддаларига биноан 85 жиноий иш қўзғатилган. Ўтган йили ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида рухсат этувчи қайдларни (стикер) расмийлаштириш билан боғлиқ 131 ҳолат қайд этилган.

Тадбирда бундай ҳолатлар аянчли оқибатларга олиб келиши ва уларнинг олдини олиш мумкинлиги таъкидланди. Бунга яқинда "Тошкент" аэропортида ошқозонида катта миқдордаги наркотикларни Россия Федерацияси ҳудудига олиб ўтишга уринган шубҳали шахслар қўлга олингани мисол бўла олади.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг сергаклиги туфайли жиноятчилар ҳибсга олинди ва гиёҳвандлик воситаларини мамлакатимиз орқали олиб ўтишга чек қўйилди. Бу шахсларнинг ўз айбига иқрор бўлгани тадбир давомида авиакассирлар эътиборига ҳавола қилинган ҳужжатли фильмда намойиш этилди.

Мазкур фильмни намойиш этишдан кўзланган мақсад авиакассирлар ушбу йўловчиларнинг ҳужжатларини синчковлик билан текширганида, уларнинг шубҳали хатти-ҳаракатларини сезиши мумкинлигини тушунтиришдир. Боз устига, бу шахслар қўшни давлатлар фуқаролари эди.

Шу боис тадбир доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари авиакассирларни доимо огоҳ бўлиш ва ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишга чақирди. Яқин вақт ичида лавозим йўриқномаларига авиакассирлар фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатиш ва қонунбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган ўзгартишлар киритилади.

— Биз авиакассирлар иштирокида тушунтириш тадбирларини мунтазам ўтказмоқдамиз, — дейди "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг ҳаво йўллари бош агентлигининг техник бўлими бошлиғи Лариса Захарченко. — Шу сабабли миллий авиакомпания кассалари ходимлари ўртасида чипта сотиш билан боғлиқ қонунбузарликлар анча камайди. Кўпинча, бундай ҳолатлар хусусий авиакассаларда содир бўлмоқда, аммо улар билан ҳам суҳбатлар ўтказиб, кўрсатмалар бермоқдамиз. Келгусида бундай муаммоларнинг олди олинишига умид қиламиз.

**М. МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ОБ-ҲАВО

**(21 февраль)**



| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -3 -8 | -3 -8 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | -2 -7 | 0 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | -2 -7 | 0 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | 0 -5 | 0 +5 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -2 -7 | 0 |
| Тошкент шаҳрида | -3 -5 | 0 |


• Реклама ва эълонлар •

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

«АСАКА»
давлат-акциядорлик тижорат банки
(очиқ акциядорлик жамияти)

Мамлакатимизда 2012 йил — «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан қуйидаги кредит хизмати турларини таклиф этади:

- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар;
- айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар;
- тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун кредитлар;
- бошланғич капиталини шакллантириш учун кредитлар;
- банкнинг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш;
- микрокредитлар;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини Осиё тараққиёт банки кредит линиялари ҳисобидан микромолиялаш;
- олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда бошланғич сармояни шакллантириш учун кредитлар ажратиш;
- таълим кредитлари;
- ипотека кредитлари;
- истеъмол кредитлари.

Шунингдек, «Асака» банки кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиш билан биргаликда аҳоли учун самарали даромад келтирувчи янги ва жозибадор омонат турларини таклиф этади.

*«Асака» банки томонидан яратилган барча қулайликлардан фойдаланинг ва даромадингизни оширинг!*

**Маълумот учун телефонлар:**
**(8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-86-97, 120-39-81.**

*«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!*

254R/15

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.



Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" MChJ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

249R/1441


*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментининг "Халқ сўзи" газетасининг 2012 йил 18 февраль, 35 (5455)-сонида чоп этилган эълоннинг 3-лоти қуйидаги таҳрирда ўқилсин: "Лот-3. Сирдарё вилоятининг Ховос тумани хўжаликларида янги коллекторлар қуриш. Буюртмачи белгилаган бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 656 489 634 сўм, ишларни тугатиш муддати — 12 ой".*

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Инвестиция ва капитал қурилиш бўлими бош мутахассиси Абдуваҳоб Қарчиғаевга падари бузруквори
**АБДУРАҲМОН отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси университет Макроиқтисодиёт кафедраси профессори Базарбай Беркиновга опаси
**ОЙШАКАР аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоалари "Гулхан" журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраевга укаси
**АБДУСАҲАТнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи кафедрасининг мудири, юридик фанлари доктори, доцент Муборак Усмановага волидаи муҳтарамаси
**Муаззам УСМАНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 107 942 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5